



ИБРАГИМОВА Нозима Камилжановна,
Тошкент ислом институти доценти в.в.б.
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ИЛК ИСЛОМ ДАВРИ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРИДА ТИНЧЛИК ҒОЯЛАРИ

ИДЕЯ МИРА И СТАБИЛЬНОСТИ В МЕЖДУНАРОДНЫХ ОТНОШЕНИЯХ РАННЕГО ИСЛАМСКОГО ПЕРИОДА

IDEOLOGY OF PEACE IN INTERNATIONAL RELATIONS OF THE EARLY ISLAMIC PERIOD

Аннотация: Мазкур мақолада илк ислом давридаги халқаро ҳуқуқ усулларининг қўлланилиш асослари баён қилинган. Ислom динининг асосий манбаси бўлмиш Қуръони каримда тинчлик ғояси илгари сурилган оят ва унинг баёни келтирилган. Шунингдек, Абу Бакр Муҳаммад ас-Сарахсийнинг “ас-Сияр ал-кабир” асарига ёзган шарҳида исломдаги халқаро ҳуқуқ меъёрлари, омонлик ва бошқа уни шакллантиришига оид омиллариға тегишли маълумотлар берилган.

Калит сўз: илк ислом тарихи, халқаро муносабатлар, тинчлик, сулҳ, элчи, омонлик, махсус ёрлик, сиёсий ва диний омил.

Аннотация. В данной статье изложены основы применения норм международного права в ранний период ислама. Приведен аят из Корана, основного источника ислама, пропагандирующий идею мира, а также его толкование. Также в статье представлены сведения из комментария Абу Бакра Мухаммада ас-Сарахси к труду “ас-Сияр ал-кабир” о нормах международного права в исламе, понятии амана (безопасность, неприкосновенность) и других факторах формирования международного права.

Ключевые слова: ранняя история ислама, международные отношения, мир, перемирие, посол, аман (безопасность, неприкосновенность), специальный указ, политический и религиозный фактор.

Abstract: This article outlines the application of international law principles during the early Islamic period. It presents a verse from the Quran, the primary source of Islam, which promotes the idea of peace, along with its interpretation. Furthermore, it provides information from Abu Bakr Muhammad al-Sarakhsi's commentary on “al-Siyar al-Kabir” regarding international law norms in Islam, safe conduct, and other factors contributing to its formation.

Keywords: early Islamic history, international relations, peace, treaty, envoy, safe conduct, special decree, political and religious factors

КИРИШ

Ислom дини ўз номи билан тинчлик дини демакдир. Ислom динининг илк тарғибот босқичидан тинчлик ва муносабатлардаги хотиржамликка ташқиқот қилинган ислom тарихидан маълум ва машҳур. Илк ислom тарихида амалга оширилган сиёсатнинг ички ва ташқи ишларни юритишда тинчликка асосланганини кўриш мумкин. Ички ишлардан келиб чиқилса, бир давлат ичида яшайдиган аҳолини унинг диний қарашларидан қатъий назар фуқаролик муносабатларнинг тенг иштирокчиси сифатида қаралган. Бунинг учун муаммоли вазиятлар келиб чиқса, бир мусулмон бошқа дин вакилини омонликка олиши ва турли масалаларда муҳофазалаши йўлга қўйилган. Ташқи қабилалар ва шаҳарлар билан муносабатлар ўрнатишда эса мурсоага келиш, элчилиқни амалга ошириш ва бу жараёнда элчи имунитетини [8; 44] шакллантириш, сулҳга келишиш каби усуллардан фойдаланилган. Мазкур усуллар ўлароқ жамият ва давлатлараро хавфсизлик чоралари қўрилган.

Асосий қисм

Илк ислom даврида ислom таълимотларига асосланган халқаро ҳуқуқий муносабатлар шаклланди. Бу тизимнинг ҳуқуқий ижодкори пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) бўлган. Мазкур муносабатлар Қуръони карим, Сунна, ижмоъ, қиёс, урф-одатлар ва шариатга мувофиқ халқаро келишувларга асосланган. Муҳаммад (с.а.в.) томонидан ўрнатилган ўзаро муносабатлар ҳолати, тартиби, ҳуқуқ ва мажбуриятлари кейинги даврлар учун умумий қонуният вазифасини бажарди. Муҳаммад (с.а.в.) диний раҳнамо ва давлат ҳукмдори сифатида халқаро майдонга чиқа олди.

Қуръони каримда мусулмонларни умумий тинчликка тарғиб қилинган оятлари ичида энг кўзга кўрингани Бақара сураси, 208-ояти ҳисобланади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا ادْخُلُوا فِي السِّلْمِ كَافَّةً

“Эй иймон келтирганлар! Исломга тўлиғича кириш!” [11; 32].

Мазкур оят ички ва ташқи муносабатларда тинчликка асосланишнинг далили ҳисобланиб, барча инсоний муаммоларнинг ечими сифатида қаралади. Асли таржимада “Ислом” деб берилган «السِّلْمِ» сўзининг луғавий маъноси “тинчлик” деган маънони англатади. Анфол сураси - 61 оятда:

وَإِنْ جَنَحُوا لِلسَّلْمِ فَاجْنَحْ لَهَا

“(Эй Муҳаммад) агар улар сулҳга мойил бўлсалар, сиз ҳам унга мойил бўлинг” [11;184] ояти эса юқоридаги далилнинг гўёки янада тавсифий ва ойдинлаштириш мазмунига эга.

Ислом динида элчилик муносабатлари уч асосий ҳолатда ўрнатилган: фуқаролик ҳолатларида; тинчлик ҳолатида; ҳарбий ҳолатда [5;18].

Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Саҳл ас-Сарахсий Шамс ул-Аимма [9] Муҳаммад ибн Ҳасаннинг “Ас-Сияр ал-кабир” асарига шарҳ ёзган. Асарнинг айнан “Амон арасул” бобида муаллиф мавзунини шарҳлашда турли жузъий масалаларга тўхталган. Бу аксар халқаро муаммоларнинг ечимига сабаб бўлган. Мазкур асар ўз даврининг ташқи муносабатлари учун дастур ул-амал вазифасини бажарган. Асар таҳлил қилинганда дипломатия усулларида бири бўлган элчилик масаласида қуйидаги меъёрлар белгиланганини кўриш мумкин:

– Элчи халифа ҳузурига келиб ўзини таништирсаю, лекин бу тасдиқланмаса, у жазоланади, чунки бу ерда омонлик масаласи ҳал қилинади;

– Элчи ёнидан ҳукмдори жўнатган мактуб чиқса ва у бунини тасдиқласа, элчи токи жавоб хати юборилмагунига қадар омонликда бўлади;

– Муслим, озод, ёш бола, аёл киши, қул ва зиммийга шарт эвазига омонлик берилади. Агар улар элчи бўлсалар, шубҳасиз шартсиз омонликдадир;

– Омонлик исломга қадар ҳам қўлланилган анъана ҳисобланади. Уруш ёки тинчлик ҳолатидан қатъи назар, элчи омонлиги қафолатланади;

– Элчининг сўзи давлат раҳбарининг сўзи каби;

– Элчиликка хоинлик қилмаган, ишончли ва тўғриси одам жўнатилади;

– Давлат раҳбари элчига халқ ва ўзи номидан гапириши учун махсус ёрлик сифатида ишончнома бериши керак;

– Агар элчи қул бўлса, омонлик пайтида у озодга айланади. Чунки у мусулмонлар ҳаққидан фойдаланади;

– Расмий аҳамиятга эга бўлмаган чопарга ҳам омонлик берилади;

– Омонликнинг зоҳирий белгилари бўлиши шарт: гувоҳлик, гувоҳнома, мактуб, ишончнома ва асл муҳр [1];

– Элчилик муносабатлари уруш ҳолатида ўрнатилса, ҳужум қилаётган давлат ҳукмдори қамалда қолган давлат ҳукмдорига элчи жўнатади ёки аксинча. Шунда:

– Элчи шахсан давлат раҳбари номидан мактубни топширади;

– Ўзи ва қавмига омонлик сўрайди;

– Элчининг қабул маросимида [гувоҳлик учун] мусулмонлар ҳам иштирок этиши шарт;

– Қамалдаги давлат раҳбари омонликни очик даъво қилиши ва гувоҳларни тақдим қилиши керак;

– Музокара натижасига кўра, сулҳ ёки урушга келишилади;

– Асирларга омонлик берилмайди;

– Элчи оиласи, фарзандлари, аёлига омонлик берилади;

– Бадал эвазига омонлик бериш мумкин. Таҷрибада 5000 диноҳ эвазига омонлик берилган [2];

– Омонлик ўн кунга берилади;

Агар элчи бир йилга омонлик олсаю, лекин шу муддат ичида ўлдирилса, омонликка олган томон жиноят учун шарият бўйича жавобгарликка тортилади.

Элчининг омонлиги айрим ҳолатларда ботил, яъни ҳақиқий эмас деб топилади. Улар сирасига ёлғон гувоҳлик билан элчиликни собит бўлиши (масалан, “лашкарбошиман” деб ёлғон гапириши ёки ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб элчилик омонлигидан фойдаланса), хоинлик қилиши (масалан, музокара ёки мактуб матнларини нотўғри таржима қилса), элчиликка мажбурланиш ҳолатлари киради. Мазкур ҳолатларда улар келтирган мактублар

хам ҳақиқий ҳисобланмайди ва улар омонлик имтиёздан фойдаланмайдилар.

Араб тадқиқотчилари наздида омонлик икки турга бўлинади:

1. **Умумий омонлик** – жамоат учун хавфсизлик кафолати ҳисобланади. Муайян вилоят ёки шаҳар аҳолисига умумий омонлик берилади. Бунда омонлик шартномаси фақат мазкур ҳудуд бошқарувчиси, имоми ёки имом ноиби билан имзоланади;

2. **Махсус омонлик** – якка шахсга бериладиган хавфсизлик кафолати ҳисобланади. Исломот таълимотларига кўра, бир нафар мусулмон бирдан ўн нафаргача мусулмон бўлмаган шахсларни ўз омонлигига олиши мумкин. Бу меъёр Қуръони карим (Тавба сураси, 6-оят) оятлари ва Муҳаммад (с.а.в.) нинг саҳиҳ ҳадислари-ю сиёсий тажрибаларга мувофиқ собит бўлган [3;132-133].

Элчиларга бериладиган омонлик унинг махсус тури ҳисобланади. Шахсан элчига ва у билан ташриф буюрган делегация вакилларида давлат ҳукмдори ўзининг махсус омонлигини топширади. Бу омонлик барча турдаги элчилар (расмий вакил, чопар)га тақдим этилади. Исломот таълимотларида элчиларнинг тинчлик ва эзгулик йўлидаги хизматлари эъзозлангани сабабли уларга берилган омонлик - ҳимоя, ғамхўрлик, ҳурмат-эҳтиром ва имтиёзларни ўз ичига олиши шарт бўлган [3;152].

Элчиларга омонлик масаласида Сарахсийдан ташқари мовароуннаҳрлик Бурхониддин Махмуд ибн Аҳмад ал-Бухорий [10] ҳам ўзининг “Ал-Мухит ал-Бурҳаний” асарида фуруўл фикҳга оид истилоҳ сифатида тўхталиб ўтган. Муаллиф Сарахсийнинг “Давлат раҳбари элчига халқ ва ўзи номидан гапириши учун махсус ёрлик сифатида ишончнома бериши керак” фикрига асосан, ёрлик ёзма бўлиши шартлигини таъкидлайди. Омонлик давлат раҳбари томонидан берилиши ёки бу вазифа мазкур ҳудуднинг қозисига ҳам юклатилиши мумкинлигини келтиради. Бунда гувоҳларнинг ҳозир бўлиши шарт қилинган [7].

Кейинги даврдаги ислом дини уламолари сиёсий мақсаддаги элчи ва вакилларга аслида омонлик шартномаси шарт эмас, деб ижмоъ қилган. Чунки уламолар наздида элчиларга мусулмон диёрига кириш учун умумий ижозат берилгани шаръий эди. Элчиларга уч турдаги имтиёзлар берилган:

– яшаш ва сиёсий ҳуқуқлар, уй-жой дахлсизлигини ўз ичига олган шахсий имтиёзлар;

– жиноий, маъмурий, экологияга ва сиёсий тажаввузлардан ҳимояга оид қозилик имтиёзлари;

– шахсий ва хусусий мулк ҳимояси каби молиявий имтиёзлар [3;154].

Ҳанафий уламолар наздида элчиларга берилган имтиёз ва чекловлар дор ул-ҳарб, дор ул-ислом ва дор ул-аҳд тушунчаларига боғлиқ. Бу тушунчалар араб-мусулмон давлатларининг ўзларига нисбатан давлат ва бошқарув турларини англатади [4;49-62]. Араб-мусулмон тадқиқотчилари наздида, Дор ул-ҳарб – давлат уруш очиши мумкин бўлган давлат ҳисобланади [3;103]. Унга муайян монеликлар қўйилмаган. Дор ул-ислом – мусулмон давлати ҳудудига кирган ўлкалар. Дор ул-аҳд – халифалик билан ўлпон тўлаб туриш эвазига сулҳга асосланган муносабатлар тушунилади. Бунда қисман чекловлар, қисман имтиёзлар мавжуд [5;53].

Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий (1090/482 йилда вафот этган) ўз асарида бир неча масалаларда элчиларга доир ҳукмларни таҳлил қилган. Элчининг омонлиги мактубни топшириб, юртига қайтиши билан тугайди [6].

Илк ислом даври дипломатияси том маънода мусулмоноларнинг Мадинага қилган ҳижратларидан кейин бошланди деса муболаға бўлмайди.

ХУЛОСА

Арабистон ярим оролидаги илк мусулмон давлатининг ён атрофдаги қабила ва давлатлар билан расмий муносабатлари 622 йилда Маккадан Мадина шаҳрига мусулмонларни кўчиб ўтиши билан бошланган. Бунда қуйидаги икки омил муҳим ўрин тутган:

1) Диний омил - ислом динини ташвиқот қилиш мақсадида мусулмон элчиларни жўнатиш;

2) Сиёсий омил - ён атрофдаги мамлакатларга “янги давлат” ташкил топганини билдириш учун имзо ва муҳр билан тасдиқланган расмий мактубларни етказиш.

Араб-мусулмон давлатининг элчилик миссияларига жавобан чор-атрофдаги бошқа қабилаларнинг вакиллари элчи сифатида ташриф буюрган. Илк ислом даври

дипломатияси ундан кейинги давр давлат бошқаруви ва ислом дининг асосий манбалари таъсирида ривожланган аксар илмлар учун ҳуқуқий доктрина вазифасини бажара олди. Буни юқорида ўрганилган Сарахсий ва Бухорийнинг асарлари мисолида кўриш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Саҳл ас-Сарахсий Шамс ул-Аимма. Шарҳу ас-сияр ал-кабир. [Электрон ресурс]. Кириш тартиби: <http://www.al-islam.com>. أَبُو بَكْرٍ مُحَمَّدُ بْنُ أَبِي سَهْلٍ السَّرْحِيُّ شَمْسُ الْأَيْمَةِ. شرح السير الكبير.
2. Абу Бакр Сарахсий бадал ҳақида келтирган маълумотини айнан қайси тарихий воқелик билан боғлиқлигини келтирмаган.
3. Ад-Дуктур Ваҳбату аз-Зухайлий. Ал-аълақоту ад-давляту фил ислам. Муқоранату бил қануни ад-давлий ил-ҳадис. – Байрут: Ал-Рисала, 1997/1417.
4. الدكتور وهبة الزحيلي. العلاقات الدولية في الإسلام. مقارنة القانون الدولي الحديث. – بيروت: الرسالة, 1997/1417.
5. Ад-дуктур Аъриф Ҳалил Абу Иъйд. Ал-аълоқот ул-харижийяту фи давлат ил-хилафати. – Ал-Кувайт: Дар ул-аркам, 1983/1404. – С.49-62.
6. الدكتور عارف خليل ابو عيد. العلاقة الخرجية في دولة الخلافة. – الكويت: دار الارقام, 1983./1404.
7. Ал-Имам Муҳаммад Абу Заҳра. Ал-аълақоту ад-дувалиту фил-ислам. –Кувайт: Дар ал-кутуб ал-ҳадис, 2000.
8. الامام محمد ابو زهرة. العلاقة الدولية في الإسلام. – الكويت: دار الكتاب الحديث, 0002.
9. Биринчи жузнинг 401,402, 545, 546, 547-масалалари. Иккинчи жузнинг 694-721, 796-800, 943-масалалари.
10. Бекмирзаев И.И. X-XII аср Мовароуннаҳр ижтимоий муносабатларига оид процессуал ва нотариал ҳужжатлар. Тарих фан. док. (PhD) диссертацияси. –Т.: ТИУ, 2017. – 325 б; Имом Бурҳониддин Абу ал-Маъалий Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдулазиз ибн Манра ал-Бухорий ал-Ҳанафий. Ал-Мухит ал-Бурҳаний фил фикҳи ал-Нўъманий. – Ж.8. – Байрут-Лубнан: Дар ул-кутуб ал-Илмийя, 2004/1424. – С.130.
11. الامام العلامة برهان الدين ابي لمعالي محمد ابن احمد ابن عبد العزيز ابن مانرة البخارى الحنفى. المحيط البرهانى فى الفقه النعمانى. الجزء الثامن. –بيروت-لبنان: دار الكتب العلمية, 2004/1424.
12. Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий. شرح السير الكبير (Шарҳ ас-сияр ал-кабир). Ал-жузъ ал-аввал. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1997;
13. Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Саҳл Абу Бакр шамсул-аимма ас-Сарахсий - Туркманистоннинг Сарахс шаҳрида дунёга келган. У Ўрта Осиёда
14. Имом Бурҳониддин Абул-Маъолий Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдулазиз ибн Манра ал-Бухорий (616 йилда вафот этган) – Ҳанафий мазҳабидаги фуруъул фикҳга оид “Ал-Мухит ал-Бурҳаний фил фикҳи ал-Нўъманий” асари муаллифи.
15. Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. –Т.: Sano-Standart, 2021. - 624 б.